

## ҚАЛАМПИР ЯЛПИЗ – МЯТА ПЕРЕЧНАЯ - MENTHA PIPERITA L ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Рашидова Махлиё Хушбок қизи*

*Тошкент давлат аграр университети ўрмон хўжалиги ва ландшафт  
дизайн факультети манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим  
йўналиши 21-65 гуруҳ талабаси,  
Зубайдуллаева Камола Акмалжон қизи  
манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш таълим йўналиши 21-  
65 гуруҳ талабаси.*

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда ҚАЛАМПИР ЯЛПИЗ етиштиришнинг илмий асосланган усуллари бўйича илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга *Mentha piperita L* нинг хом-ашёсини таёрлаш ва унинг сифати ҳамда тиббиётда қўлланиши ва кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган

**Калит сўзлар:** экиш, етиштириш, агротехник тадбирлар, тиббиётда қўлланилиши

**Кириш.** Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди. Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, мавжуд дори-дармонларнинг 60% ни доривор ўсимликлар хом ашёларидан олинган препаратлар ташкил этади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 112 тур доривор ўсимликлар расмий таъбиотда фойдаланишга рухсат берилган бўлиб, ушбу доривор ўсимликларнинг 80% ни табиий ҳолда

ўсувчи ўсимликлар ташкил этади. Табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларнинг ҳам хомашё захираси чегараланган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, хомашё захирасидан тўғри фойдаланиш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир.

**Ўсимликнинг тарқалиши.** Ўзбекистонда қалампир ялпиз “Шифобахш” илмий ишлаб чиқариш хўжалигида ва маҳаллий аҳоли томонидан томорқаларда етиштирилади.

**Агротехник тадбирлар.** Ялпиз ўстириш учун мўлжалланган майдон кузда 25 см чуқурликда ҳайдалади. Ҳайдашдан олдин ерга гектарига 20 тонна чириган гўнг ва 100 кг фосфор солинади. Ялпиз илдизпоя-қаламчадан кўпайтирилади. Экишдан олдин 8-10 см узунликда қаламчалар тайёрланади. Қаламчалар март-апрель ойларида 10 см чуқурликда тайёрланган жўякларга бир-биридан 20-25 см масофада экилади. Қатор оралари 60 см бўлганда бир гектар ерга 7-8 мингта илдизпоя-қаламчалари зарур бўлади. Экилгандан сўнг суғориш эгатлари олинади ва тупроқ сувга тўйингунга қадар суғорилади. Ялпизнинг ривожланиб яхши ҳосил бериши мунтазам суғориб ва ўғитлаб туришга боғлиқ. Қалампир ялпиз органик ва минерал ўғитларга жуда талабчан. Ўсимлик экилгандан 17-20 кун ўтгач ёки ён шохлари пайдо бўлиши билан гектар ҳисобига 40 кг дан азот, 20 кг дан калий ўғитлари билан озиқлантирилади. Иккинчи озиқлантириш шоналаш фазасида 40 кг азот ва 30 кг дан фосфор ўғитларини бериш билан амалга оширилади. Доривор ўсимликларни ўстириш ва етиштириш Қалампир ялпиз гуллаш фазасида минерал ўғитларни жуда кўп талаб қилишини ҳисобга олиб, азотли ва калийли ўғитлардан гектарига 30 кг дан солиб, озиқлантириш тўхтатилади. Вегетация давомида биринчи ва кейинги йиллар гектар ҳисобига 100-120 кг азот, 80 кг фосфор ва 60 кг калий ўғитлари билан озиқлантирилади. Тупроқ доим нам ҳолатда бўлиши керак. Вақти-вақти билан тупроқни юмшатиб туриш ва бегона ўтлардан тозалаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Етарли даражада суғорилмаса, ўсимлик бўйи калта бўлиб, кам ҳосил беради. Ўсимлик экилган биринчи йили 8 марта суғорилади, 5 марта ер юмшатилиб ўтоқ қилинади. Иккинчи йили суғориш сони ўзгармайди, ўсимлик бўш ерларнинг деярли ҳаммасини эгаллаб, юқори вегетатив масса ҳосил қилади, шунинг учун қатор оралари фақат баҳорда юмшатилади. Учинчи йили экинзор юмшатибмайди. Заруратга қараб қўлда ўтоқ қилинади. Тўртинчи йили баҳорда дала культиваторлар ёрдамида ағдарилади ва илдизпоялари йиғиб олиниб, бошқа майдонга экилади. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига дастлабки 1-2 йилларда 4-5 центнер, 3-4 йиллардан 15-17 центнерни ташкил этади.

**Тавсиялар.** Ҳар бир иқлим шароитларида ўсимликни кўпайтиришни ўзига хос томонлари мавжуд. Ўсимлик механик таркиби оғир, шўр, қумли ва органик

моддаларга камбағал тупроқларда ёмон ривожланади ва илдизпоялари яхши шаклланмайди. Илдизпояли ўсимлик сифатида катта плантацияларда ҳосилдор ва қумоқ тупроқларда етиштириш мумкин. Экологик ва иқлим шароитлари ўсимликдаги эфир мойларининг миқдори ва сифатига таъсир этади. Ўсимликда юқори миқдордаги эфир мойлари намлиги пастроқ бўлган тупроқларда, энг юқори вегетатив масса эса намлиги юқори бўлган тупроқларда олинади. Ялпиз узун кун ўсимлиги сифатида қаралади: узун кун шароитида ўсимлик қисқа кун шароитига қараганда ўзининг яхши ўсанлиги, таркибидаги эфир мойининг кўплиги билан фарқланади. Қуёш радиацияси кўп бўлган шароитда ҳам эфир мойининг миқдори ошади. Шимолий минтақаларда ўстирилган ўсимликда эфир мойларининг миқдори кам бўлса-да, таркибидаги асосий ментол моддасининг миқдори ортади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдуназаров Э.Э. Интродукция и биоэкологические особенности *Valeriana officinalis* L. в условиях Ташкентского оазиса. Дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент: АН РУз. 2010.
2. Акопов И.Э. Важнейшие отечественные лекарственные растения и их применение. – Ташкент: Медицина, 1990. – с. 444.
3. Ахмедов Э.Т. *Mandragora turcomaica* Mizg. Нинг Тошкент воҳаси шароитида интродукцияси.: Дис. Автореф..... биол. фан. ном. – Тошкент: Ўз РФА 2002. – б. 138.
4. Ашурметов О. А., Тўхтаев Б. Е. Доривор ўсимликлар интродукциясининг тарихи, муаммолари ва истиқболлари // Ўсимликлар интродукцияси: муаммолари ва истиқболлари: Республика илмий - конференция материаллари. . – Хива: ХМА, 2003. – б. 12-15.
5. Бадалов М. М. Некоторые результаты вегетативного размножения солодки голой на засоленных землях Голодной степи //Сб. науч. трудов Института ботаники АН УзССР – Ташкент, Фан, 1970. – с. 131-138.
6. Бадалов М. М. Развития солодки при разных сроках посадки // Сб. науч. трудов Института ботаники АН УзССР – Ташкент, Фан, 1973а.– с. 132-137.
7. *Юлдашева Х.Т.* Олива – новая культура в Узбекистане. -Волгоград,2014.
8. *Дудченко Л. Г., Козьяков А. С., Кривенко В. В.* Пряно-ароматические и пряно-вкусовые растения: Справочник / Отв. ред. К. М. Сытник. — К.: Наукова думка, 1989. — 304 с. — 100 000 экз. — ISBN 5-12-000483-0.
9. Ароматы и запахи в культуре: В 2 кн. / Сост. О. Б. Вайнштейн. М.: Новое лит. обозрение, 2003.
10. Всё о лекарственных растениях на ваших грядках / Под ред. Раделова С. Ю.. — СПб.: ООО «СЗКЭО», 2010. — С. 146—148. — 224 с. — ISBN 978-5-9603-0124-4.